



**O'ZBEKISTONDA
BIZNESNING
RIVOJLANISH
TENDENSIYALARI
VA BIZNES
JARAYONLARIGA
TA'SIR ETUVCHI
OMILLARNI TAHLIL
QILISH ZARURIYATI**



**ABDULLAYEV JAVLONBEK
SUNNATILLA O'G'LI,**

*21/2 guruh talabasi Stars interna-
tional university*

Javlonbe0824@gmail.com

**ILMIY RAHBAR: SAIDOVA
MARHABO HABIBULLO QIZI,**

*PhD, dotsent Stars international
university*

saidovamarhabo1991@gmail.com

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp23-26>

Annotatsiya: Mazkur maqolada mamlakatimizda so'nggi yillarda olib borilayotgan biznesning rivojlanish jarayonlarini statistik tahlil qilish usullarini takomillashtirish, yangi biznes tendensiyalari modellari va prognoz natijalarini statistik baholash, biznesning rivojlanish jarayonlarini ekonometrik modellashtirish va prognoz variantlari ishlab chiqilgan.


Kalit so'zlar: biznes, tadbirkorlik, jarayon, bevosita va bilvosita omillar, statistik tahlil, modellashtirish, prognozlash, strategiya.

КИРИШ

COVID-19 pandemiyasi ta'siriда vujudga kelgan global inqiroz sharoitida biznes yana bir bor ўzining ishlab chiqarish va ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan samarali sub'ekt ekanligini kўrsatdi. Jaҳon banki ma'lumotlariga kўra, "2030 yilga qadar oshib borayotgan ishchi kuchi bandligini ta'minlash uchun 600 million ish ўrnini yaratish kerak". Istiqbolida ham kichik biznesning iqtisodiy ўsiшdagi va aҳolini ish bilan ta'minlashdagi aҳamiyati yanada ortib borishini e'tiborga olgan ҳolda bugungi kunda biznesni ustuvor rivojlantirish, uning samarali faoliyati uchun zaruriy tashkiliy-iqtisodiy, huquqiy jihatdan shart-sharoitlar yaratishga aloҳida e'tibor qaratilmoqda.

Ўзбекистонда бизнес sub'ektlarini tashkil qiliшni soddalashtirish bilan bog'liқ chora-tadbirlar olib borilayotganligi sababli ularning soni oshib bormoqda. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ма'lumotlariga asoslanib, 2015–2020 yillarda faoliyat kўrsatayotgan бизнес

субъектларининг якка тартибда, юридик шахс ташкил этган ҳолда, шунингдек, жисмоний жахс сифатида рўйхатдан ўтганларни ўсиш тенденциясида эканлигини кўришимиз мумкин ва улар, ўз навбатида, 2020 йилда 9462,5 ва 691 тани ташкил этмоқда. 2015 йил кўрсаткичлари билан таққослаганда, 20 ва 11 баробар кўпайган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, иқтисодиётда банд бўлганлар сонида бизнеснинг улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда 4467,1 минг киши бизнес билан банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, қарийб 2,2 баробарга ошган. Фоизларда эса 49,7 % дан 73,8 % га мос равишда ўзгарган. Қуйидаги расмда иқтисодиётда банд бўлганлар сонида бизнес улушининг ўзгариш динамикаси келтирилган:



1-расм. Иқтисодиётда банд бўлганлар сонида кичик бизнеснинг улуши.

Бугунги кунда коронавирус пандемиясининг республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, туман ва шаҳарчаларида бизнес юритишга бўлган салбий таъсирини статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилишни такомиллаштириш, пандемия шароитида бизнес субъектларини ҳимоялаш учун сарфлаш лозим бўлган маблағ миқдорини статистик усуллар орқали аниқлаш муҳим масалалардан биридир. Бунда “Ўйинлар назарияси” таркибига кирувчи “Табиат билан ўйин” моделини бизнес соҳасининг таркибий қисми бўлган кичик бизнесга қўллаш муҳим. Бу янги математик статистика усулини қўллаш ёрдамида бугунги кундаги таваккалчилик ва ноаниқлик элементлари мавжуд бўлган COVID-19 пандемия шароитида бизнес ривожланиш тенденциясининг ўзгаришини аниқлаш учун сценарийлар таклиф қилинди. Улар қуйидаги “Агарда” сценарийлари бўлиб, булар базавий, ижобий ва салбий нуқтаи назарлардан иборат:

1-сценарий: Бутун дунё бўйлаб глобал инқирозни юзага келтираётган COVID-19 пандемияси давом этаётганлигига қарамай, республикамизда бизнес ривожланиши жараёнлари ўзгармай, одатдаги тенденцияда давом этади (базавий).

2-сценарий: Республикамизда бизнес ривожланиши жараёнларининг пандемия сабабли пасайиши кузатилади (салбий нуқтаи назардан қараш).

Пандемиянинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан туризм, юк ташиш ва юк ташиш айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи ташиш айланмаси, барча турдаги транспорт хизматлари таркибидаги бизнес соҳасига салбий таъсири кучли бўлди. Жумладан, хизматлар кўрсатиш, туризм, шунингдек, меҳмонхоналар фаолияти тўхтатилди.

3-сценарий: Пандемия шароити мамлакатда бизнес ривожига ижобий таъсир кўрсатади (ижобий нуқтаи назардан қараш). Мисол учун, қишлоқ хўжалигидаги бизнес ҳажмининг ошганлиги. Умуман олганда, пандемия электрон савдо, интернет провайдерлари хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш хизматлари, “онлайн илова”лар, масофавий таълим тизимлари тез суръатларда ривожланишига дастак бўлди.

Республикада бизнес субъектларининг коронавирус пандемияси тарқалиши оқибатида кўрилган зарар ҳақида тўпланган статистик маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги сабабли эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллариининг таваккалчилик ҳамда ноаниқлик шароитида бизнес ривожланишининг кейинги босқичларини аниқлаш зарур.

Коронавирус пандемияси ва шу каби кутилмаган фавқулодда ҳолатларда, юртимизда мавжуд бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган ҳолда бизнес субъектлари фаолиятини вақтинча музлатиб қўйиш; солиқ юкидан озод этиш; ҳисобот муддатларини чегараламаслик; зарурий ёрдам чораларини кўрсатиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи бизнес субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2021йил 1 январь ҳолатига кўра, 411203 та корхона (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу натижа ўтган йилга нисбатан 74,6 фоизга кўпайган. Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ичидан жами 10382 таси хорижий капитал иштирокидаги корхоналар саналади. Корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги умумий маълумотларни қуйидаги расмда келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин:



2-расм. Корхоналарнинг ягона давлатрегистра маълумотлари.

2-расмда келтирилган 2016–2020 йиллар оралиғида фаолият юритган кичик корхона ва микрофирмалар ва янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони ўтган беш йил давомида сезиларли даражада ортган.

Республикамизда бизнес ривожланишининг асосий тамойиллари, ташкилий-ҳуқуқий асосларини ёритиш ҳамда хориж тажрибасини ўрганиш, бизнеснинг ривожланиш хусусиятларининг илмий-амалий жиҳатларини асослаш ҳамда илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бизнес соҳасини янада ўстиришга хизмат қилади.

Бизнес фаолияти ривожланиш жараёнига ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Бизнес ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омилларга бизнес субъектлари миқдори ва унинг тақсимланиши, технологик даражаси, меҳнатни ташкил этиш усуллари, баҳо сиёсати ва бошқалар киради. Ички омилларга корхоналарнинг катта-кичиклиги, ресурслар, корхонадан ташқаридаги муҳит таъсирида вужудга келадиган омиллар: бозор конъюнктураси ва рақобат муҳити, мол етказиб берувчи ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари, табиий-иқлимий шарт-шароитлар, сиёсий ва ижтимоий омиллар, ҳуқуқий-меъёрий база ва давлат бошқаруви каби омиллар киради.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда бизнес жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаштириш иқтисодий ўсишни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш учун зарур бўлиб, бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида бизнес муҳитини янада яхшилашга қаратилган мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш, статистик тадқиқотларда моделлаштиришнинг замонавий усуллари-ни қўллаган ҳолда хулоса ва таклифлар бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020//<https://uza.uz/uz/politics>.
 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари муаллиф ишланмаси.
 3. Хабибуллаев И., Саидова М.Х. “Республикада бизнес ва уни ривожлантиришнинг айрим масалалари”// “Молиячи” журнали №2-3. – Т.: ТМИ, 2017 йил февраль-март. – Б. 8–9.
- Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисидаги қонуни. – Т.: “Халқ сўзи”, 2000 йил 25 май, 69-II-сон.